

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республи-
каси Президенти.
Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

рилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўртоқ Т. А. Алимов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси**

Н. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри

номли жамоа ҳўжалигида ҳам машиналарда пахта тешиш босидаги, Амир Темир номли жамоа ҳўжалиги механизаторлари ўз шуҳратларини саялаб қўлиш, навоийликлардан қўлиб кетмаслик учун курашмоқдалар. Районнинг энг йўл пахтасини бердиган Охунбобоев номли, «Ўзбекистон» ҳўжалиги, «Ўзбекистон» ҳўжалиги рафтакор, механизаторлари меҳнат мусоабасида пешқадам ўнларини ағалдашларига ишондилар.

— Бу йил машиналар билан 13 минг тонна пахта

■ ОҚҚУРҒОН районидagi «Мустақил Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бу йилнинг гектардан ортиқ ерда пахта егистирилди. Ҳозирги кунда қўл терини қизғин бораётди. Суратларда: илғор терингилар Муқаддас Туротова ва Ҳанифа Субонова-лар. Улар кунига 90—100 килограммдан пахта теришмоқда.

П. ЭРГАШЕВ суратлари.

казиб беришда ҳўжаликчиларга қўмақлашди.

Бутунги кўнда мабдаъ етишмаслиги, аҳтиёт қисмларининг қамбалиги ҳаммага аён. Шундай бўлсада, қорхона ишчи-хизматчилари ишонимли қараб оси, иллатилмай қолган техникалардан унутили фойдаланиб, вақтинча бузилган техникаларга қайта даът бағишламоқдалар. Айниқса, пахта териш машиналарининг оскиерган шпиндлларини ва бошиқа кўпгина аҳтиёт қисмларини қайта таъмирлашга тауширишмоқдалар.

Хўлса, аҳил жанжа барча шпиндл ва қисмча уддалаганликлардан тўрайла улардан доимо пахтакорлар хурсанд.

А. РИХСБОЕВ.

лар, материаллар тез қим-
матлашиб бораётганини са-
баби алоқачилар бундай
муаммолар тез-тез дуч
келмоқдалар. Банк вакиллари
ушбентистини ҳамюрлар
билан ишланга тафёр экан-
ликларини бийдирдилар.
Республикада алоқани рив-
ожлантириш учун маблағ
акратки масаласини махсус
комиссия батафсил ишлаб
чиқади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЯЛАР!
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1995 йил учун обуна давом этмоқда. Сиз сеvimли ва қадрдон газетангизни янги йилнинг 1 январидан мунтазам ўқишни истасангиз шу кунларда алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига келинг. Алоқа бўлимлари ходимлари, матбуот тарқатувчилар Сизларга обунани расмийлаштиришда ёрдам беришади.

Шуни унутманги, «Тошкент ҳақиқати» ўқонларга чекланган миқдорда чиқади, унинг отиб олиш қийин. Бунинг устига газета буначига сотувдагига қараганда анча арзонроқ тушади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг бир йиллик баъна баҳоси — 388 сўм 60 тийин. Олтинга — 183 сўм 30 тийин, уч ойга — 91 сўм 65 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси—44672

• Бугун пойтахтимизда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI халқаро Тошкент киноанжумани тантанали очилади

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАР ВА ҚАТНАШЧИЛАРГА: «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!» ДЕМОҚДА

Серқуёш ўлкамизда бугунга келган бу киноанжуман бир оз танафусдан сўнг қайта тикланиб, бугун жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна ўзига қаратмоқда. Пойтахтимиз бугун яна байрам либосига бўланган.

Бу йилги кинофестивал ўн биринчи деб аталаётган бўлсада, республикамизнинг мустақилликка эришганидан кейинги биринчиси. Шу сабабли ҳам илгари Москва тайёрловчи ва бош бўлувчи анжуман сценарийси энди барҳам топди. Анжуманининг биринчи марта мустақил тарзда ўтказилиши қўп

лади. Энг яхши киноасар учун бош соврин — «Олтин семура» топирилади. Шунингдек, миллийликни тўла намойиш эта олган фильмни — «Хўжа Насриддин», энг яхши аёл ва энг яхши эркак ролларини ижро этган актёрларни «Олтин дола», «Олтин арча» совринлари ҳам кутади.

Танловга ҳар бир мамлакатдан фақат биттадан фильм қабул қилинади. Кинорежиссёр Равил Ботиров бошчилигидаги сараловчи комиссия шундан ўн беш картинани танлаб олишлари керак.


Кинофестиваль фильмлари пойтахтимизнинг 10 кинотеатрида намойиш этилади. Алишер Навоий номида Санъат саройида қўйилган картиналарнинг ўзбек тилига синхрон таржима қилиб берилиши йилликдир.

Анжуманининг яна бир ўзига хослиги ҳафта давомидан «Ноҳирабегим» номли кинотеатрда машҳур ҳинд киноарбоби Раж Капур экиранлаштирган фильмларининг туркум намойиши ҳам ўтказилади.

Мана, ниҳоят тайёргарлик ишлари нўҳосига етиб бугун Халқлар дўстлиги саройида киноанжуман тантанали очилади. Сарой олдидаги майдонда халқимиз сўйган санъаткорларнинг, дорбозларнинг, ашула ва рақс дасталарининг, миллий-маданий марказлар вакиллари чизишлари тантанавга ўзгача фойза киритади.

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!» Халқаро киноанжуман ширинга айланган бу таъин каломининг маъносини изҳорлашга ҳолат бўлмаса керак.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.



ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кунинг кеча пойтахтимизнинг Кичиклар уйида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Халқаро кинофестивали раҳбарлари ва ташкилий комитет аъзолари билан оммавий ахборот воситалари вакиллари учрашуви бўлиб ўтди.

Матбуот конференциясининг кинофестиваль матбуот марказининг бошлиғи Аваф Жўрабев бошқарди. Республика пойтахтимиз ва чет эл журналистларининг берган қўлаб қўллашлари тўғрисида жавоблар берилди. Жўрабев, бу йилги киноанжуманининг моҳияти, ўзига хос томонлари ҳақида сўз юритди. Бир ҳафта давом этадиган бу йилги тадбирнинг ранг-баранг дастури билан журналистлар таништирилди.

СУРАТДА: киноанжуман раҳбарлари журналистларини қизиқтирган саволларга жавоб беришмоқдалар.

Даврон АХМАД олган сурат.

КИНОФЕСТИВАЛНИНГ ТАСВИРИЙ ТАРИХИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг бу йилги Тошкент кинофестивали қароргоҳи учун «Ўзбекистон» меҳмонхонаси танлаб олинган. Шу муҳташам қоша олдига очилган республика фотосталларининг асарларида анжуманинг йилгига йиллик тарихи гавдалантирилган. Меҳмонхонанинг ўзи эса байрамона безатишган. Унинг пештоғига мустақил Ўзбекистоннинг Давлат байроғи билан бирга фестивалнинг янги рамзи қўйилган.

Кўргазмадаги фотосуратлар уч қитъа кинематографиячилари аввалги учрашувларининг энг унутилмас пайтларини, Ўзбекистон дидаридаги самимий гурунларини тасвирлайди. Республика пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари Тошкент анжуманларида жаҳон киносининг Раж ва Шами Капур (Ҳиндистон), Зинат Амон (Ҳиндистон), Суҳайл бин Барка (Марокко), Дэвис Гранадос (Куба), Тарик Торжон (Туркия) каби кўпгина атоқли арбоблари фаол қатнашганлигидан далolat берувчи ҳужжатларини кўра олади.

Вундан аввалги, X халқаро киноанжуманда бадий

фильмлар тақдони ўтказилганлиги унинг ўзига хос жиҳати бўлган эди. Фотокўргазмада фестивалнинг соҳибдорлари тантанали топирилиши ас этган. Унда, 1988 йилда «Олтин семура» деб аталган энг катта сурин «Ломаконга саёҳат» фильми учун ҳинд режиссёри Готуама Гхошага берилган эди.

Кўргазмада ҳинд кинематографиячиларига кўп ўрин берилган. Одатда Тошкент халқаро кинофестивалларига бу мамлакат энг нуфузли делегация юборади.

Таниқли ўзбек кинематографиячилари Малик Каюмов, Али Ҳамроев, Латиф Файзиев ва бошқаларнинг Ҳиндистон, Туркия, Тунис, Мисрдан келган касбдошлар билан ҳаяжонли учрашувлари тасвирли қилиб тасвирланган.

Шу кунларда Тошкент халқаро кинофестиваллари тарихига ва республикамиз кинематографиясига бағишланган фотокўргазмада Ўзбекистон пойтахтининг бошқа жойларида ҳам очилди. Эҳсан усталининг асосий учрашувлари ана шу жойларда бўлди.

(ЎзА мухбири).

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА

Ҳиндистон делегацияси пойтахт аэропортида кутиб олинди. Унинг сафида келган таниқли киноолдулар орасида Капурлар сулоласидан бўлмиш Рандхир Капур ҳам бор. Шунингдек, томошабинларга яхши таниш, Ўзбекистон билан ҳамкорликда бир қатор фильмлар яратган машҳур кинорежиссёр Умеш Мехра отаси Факир

Чанд Мехра ҳамда укаси Ражив Мехра, машҳур киноактёр Анил Капур билан ташриф буюришди.

«Самандар» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасининг маъмурий биносиде ҳинд кино арбоблари ва «Ду» дузалари билан журналистларнинг қисқача учрашувлари ўтказилди.

(Ўз мухбири).

МУРУВВАТЛИ БУЛАЙЛИК

САХОВАТГА МУҲТОЖ

Кечалари тушлар кўраман
Тушларимда қониб юрман,
Шундай кун келар онажон
Мен албатта қориб кетаман.

Юқоридаги сатрларнинг янгибозорлик Нилуфар Ҳалимовов билан битган. Мен унинг ногиронлиги аравачасида ўз уйи олдига, ёхуд онаси сайр қилибди юрганда кўп бора кўрганман. Ҳар сафар Нилуфарни учратганимда қалбимда бир оғринг сезилган. Қани энди ана шу қишда ҳам тендошлари каби топчиллаб юрсан, улар даврасида мактабга бора деб ўйлайман. Унинг кинигаси маъносиз илтижо ва умид билан бокучи кўзларида қувонч қириши жуда-жуда нағизайман. Афсуски, ҳозирча бунинг имкони йўқ. Эшитинишча, ёшларидан бери Нилуфарнинг кўл-оёқлари ўзига бўйсунмас, ҳаракат қилолмас, тушакка мийланган экан.

Яқинда юрак ютиб Нилуфарлар хонадонига бўлдим, инча ва унинг онаси Машкура она билан узоқ суҳбатладим.

— Нилуфар бизнинг тун-

гич фарзандимиз, — дея кўзларида ёш айланган гап бошлади Машкура она. — У туғилганда бизнинг қанчалик хурсанд бўлганимизни билганингизда эди. Гўё биздан ҳам бахтли кишилар йўқдек эди. Ойлар ўтди, кизчакимиз бир ёшга тўлди. Аммо нечундир у тенглар атан-чечан қилиб юриб кетган бўлса-да, Нилуфар ҳаёт оёқларини ҳам босолмасди. Биз ҳавотирлиб шифокорларга мурожаат этдик. Улар узоқ теширувлардан сўнг, бундай касалликни Тошкент шаҳридаги малякалли тиббиёт ходимларига на даво топадилар, деб йўлланма бердилар. Пойтахтда бир қатор даво масканларида бўлди, жуда кўп врачлар назоратидан ўтди. Афсуски, ҳеч қанча натижанинг касаллини аниқ айтолмас, бизга ёрдам беролмас эди. Ниҳоят, ТашГЭС касалхонасининг неврология бўлимида Нилуфарда фалаж касали бор деган хулосага келишди. Ёшмиш кун мобайнида шу ерда даволашди. Афсуски, ҳеч қандай наф олмагач, унга қайтиб кетишга мажбур бўлдим.

Шу-шу Нилуфарнинг эририканде овуноғи — ойнаи жаҳон. Уни томоша қилиб чарчаганда аравачасида эшик олдиданга сайра чикади. Баъзан эса тишлари орасига қалам қистириб ёзишни ва расм чизишни машқ қилади. Синглини Дилфўз ва Абдулхамидлар билан шеърлар ёд олади. Гоҳида ҳеч кимга билдирмай узоқ йнглайди. Шундай дамларда у ҳам ўрнидан даст туриб кўчага чиққиси, дўстларига қўшилиб мактабга боргиси келади. Ҳар кун орау-умидлар билан йашайди, ҳар кеч оғир тушлар кўради. Тушларида у ҳам топчиллаб юради, меҳрибон онасининг кўзлари қувончдан порлаганини кўради.

Мана Нилуфар туғилибдики, Машкура она унга парвона, қизчасининг хурсандчилиги учун ҳамма нарсасга тайёр. Она Кўрорчиқнинг на вилоят ижтимоий таъминот бўлимидаги саховатдор бўлиб гапирди. Улар кўнма билан Нилуфарга ногиронлар аравачаси бепул тақдим этилибди.

Бу хонадон билан хайрлашар эканман, қизчанинг менга боққан мунгли, илтижолу нигоҳида болаларча маъносиники, аламдан қуйилай деб турган ёшларни кўрдим. Унинг оёқларига жон киришини, ана шу умидли кўзлар севинчдан порлашини олдо тололдан сўрадим. Шу билан бирга ушбу мақола орқали республика соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Ўзбекистон экстрасенслар уюшмасига ўн йилдан бери кўнма терлади. Синглини Дилфўз ва Абдулхамидлар билан шеърлар ёд олади. Гоҳида ҳеч кимга билдирмай узоқ йнглайди. Шундай дамларда у ҳам ўрнидан даст туриб кўчага чиққиси, дўстларига қўшилиб мактабга боргиси келади. Ҳар кун орау-умидлар билан йашайди, ҳар кеч оғир тушлар кўради. Тушларида у ҳам топчиллаб юради, меҳрибон онасининг кўзлари қувончдан порлаганини кўради.

Мурған қалб фақат бизнинг пулимиз ёхуд моддий кўмагимизгагина эмас, балки маънавий рағбатимизга ҳам муҳтож. Балки тиббиёт ривожланаётган бизнинг давримизда Нилуфарнинг дардига ҳам даво бордир. Азиз муштарийлар, саховатли кишилар, ана шу ҳусудда сизларга мурожаат қилар эканмиз бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларингиз, истакларингиз Нилуфар истикод қилаётган Кўрорчиқ район, Янгйозор кўрғони, Ленин кўчаси, 120-уйга йўллансизлар деб умид қиламиз.

Л. МАНСУРОВ.

ҲАҲОМАЛАР

• Бир киши сабзавот дўконига кириб, сотувчидан сўрай бошлади:

— Боднинг борми?

— Йўқ.

— Помидорчи?

— Йўқ.

— Олма ҳам йўқми?

— Хў, инсон, бу ер маълумотомалар берадиган жой эмас, сабзавот дўконига!

• ЖОНИБОРЛАРИНИ муҳофаза қилиш бўйича халқаро симпозиумда чўчкаларни сўйишининг анча одилана усулларини муҳокама қилишди. Франция вакили биринчи бўлиб гапирар экан, деди:

— Биздаги қушхоналарда элентр тоқидан фойдаланилади. У шунчалик тез таъсир қиладики, ҳатто чўчка хириллашга ҳам улгурмайди.

• Буюк Британияда янада оқилона усул қўлланилади, — деди инглизлар вакили. — Олдиндан чўчкани ухлатиб қўямиз, сўнг, юрагига пичоқ урамиз. Жонивор оғриқни умуман сезмай қолади.

— Бизда эса чўчкаларни портлатишга керак, — деди рус. — Зероки, пештахталарда одатда фақат калласиз оёқлари қўйилган бўлади...

ЯНГИ САҲНА АСАРИ

«ҚАЙТАР ДУНЁ»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаевни томошабинлар ўз йўли ва услубига эга интидорли актёр сифатида яхши билишади. Унинг Республика ёш томошабинлар театри саҳнасида, ойнаи жаҳонда яратган бир қатор образлари муҳлислири қалбидан мустаҳкам ўрин олган. Кейинги йилларда у ўз интидорли режиссура ва драматургия соҳасида ҳам сини бошлади. Хусусан, Л. Саъдуллаев саҳналаштираётган Т. Мухиддиннинг «Адашганлар», Шавкат Раҳматнинг «Қарра-қарра» спектакллари ҳам томошабинлар томонидан илқ қарши олинди. Яқинда эса ёш томошабинлар театрида «Қайтар дунё» деб номланган янги спектакль премьераси бўлиб ўтди. Бу саҳна асари муаллифи ҳам Лутфулла Саъдуллаевдир.

Ассосан кўча, майдон ва ўйингоҳларда намойиш этишга мўлжалланган бу томоша ўтган йили театр арбоблари ҳовлисида маъқул бўлган эди. Шу боис бош режиссёр Рустам Обидов бошчилигида театр жамоаси

узоқ изланиб, уни саҳна учун мослаштиришди. Халқ оғзакчи инди, ибратли ҳикоятлари асосида яратилган бу спектакль бешта ривоятни ўз ичига олади.

— Халқимиз азал-азалдан бир-бирига меҳр-оқибат, иймон-этиқодли, раҳм-шафқатли ва саховатли бўлган дейди Лутфулла Саъдуллаев. — Биз ўз асаримизда бугунги кунимизда танқислашиб бораётган ана шундай одамийлик фазилатларини улдурлашга ҳаракат қилдик. Масаласини, томошабинлар зум ҳаёлга тосин, ҳеч бўлмаганда илқ сўзи билан киши кўнглини кўтарсин. Ўйлаймизки, биз бунга эришамиз ҳам.

Спектаклдаги шеърларни асосий роллардан бирини ижро этувчи Ҳайиталли Нисомиддинев эган. Шунингдек, Лутфулла Саъдуллаев, Имомил Абдуллаев, Дилбар Абдулазизова, Тўйгун Саъдуллаев, Абдусамид Жўрабев, Ҳабибулло Абдуллаев, Ёдгора Зиямухамедова, Ҳабибулло Каримов ва бошқалар ўзларига топирилан образларини ишонarli яратганлар.

Агар компани шимолий магнит кутби билан шимолий югурофий кутб орасига (магнит кутбига яқинроқ илб) жойласак, магнит стрелкаси жанубни, жанубни кўрсатадиган стрелка эса шимолини кўрсатади.

А. АЛИЕВ тўплаган.

Михиза ўзанда йўқ хурсанд ҳолда ўлжаси билан шаҳарчасига келди. Бу ерда у бўғма илоннинг уч метрли терисини шидди олди. Гавдасини эса ўзига ёқиб юборди. Чўчки, маҳаллий ривоятларга кўра ўзидирлиган илонни сақлаш жуда хавфли ҳисобланади.

ши тушунилади. Бу ўзгариш ёки кеңгайтириш нисбатан кам маълум ва техника асосида юзага келади. Масалан, энди майдолларини кеңгайтириш, ҳисобига ва энг оддий техника воситаларидан фойдаланиб қишлоқ ҳужайитини юртини тизмини шу жумлага кирати.

ИНТЕНСИВ — «Экстенсив» сўзининг тескари маъносини англатувчи сўз. У франсузча «интенсив» («кучайтириш», «зўрайтириш») деган иборадан келиб чиққан.

С. ОДИЛОВА тайёрлаган.

Ўқинг, қизик

Буюк олим Архимед қонунига биноан, сувада сузувчи жисм ўз оғирлигига тенг сувни қисиб чиқаради. Бинобарин, кемалар ўз оғирлигига қараб сувага бир хилда ботиб юради.

Сузувчи киши ҳам худди шундай. Унинг гавдаси 6 марта енгиллашади. Гавдаси қисиб чиқарадиган суз оғирлиги ҳам 6 марта кам бўлади.

Соватига 200 километр (секундага 33 метр) ортинг йўл босадиган ҳозирги замон пойта машинасида Ернинг ўз ўқи атрофидаги бир кечакундузлик ҳаракатини қувий ўтиш мумкин. Лекин бунинг аэнаотарида амалга ошириб бўлмайди. Чўчки ушдаги нуқталар секундида 464 метр тезлик билан ҳаракат қилади. Кутубдан 50 километр масофаларда яёв юрган киши ҳам ер ҳаракатини қувий ўтиш мумкин.

Агар компани шимолий магнит кутби билан шимолий югурофий кутб орасига (магнит кутбига яқинроқ илб) жойласак, магнит стрелкаси жанубни, жанубни кўрсатадиган стрелка эса шимолини кўрсатади.

А. АЛИЕВ тўплаган.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент вилояти «Пахта саноати» ишлаб чиқариш бirlашмасининг меҳнат жамоаси, шу бirlашманинг бош директори Р. Бурнотга кизи

ЗИЛОЛНИНГ

Бевакъ вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Дорилфунуни журналистика факультети жамоаси факультет ходими М. Амбаровга отаси

Мирфизан ҚОСИМОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ВА
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:
700000 ТОШКЕНТ, ГСП
ЛЕНИНГРАД
КУЧАСИ, 32.



Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ
ИШЛАР БУЛИМИ —
33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ
БУЛИМИ — 33-99-15.

